

**Улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш  
Шартномаси**

2022 йил “18” январ 09046512-сон

Урганч туман  
(шартнома тузилган жой)

Истеъмолчининг шахсий хисоб-рақами:

<input type="text"/>					
----------------------	----------------------	----------------------	----------------------	----------------------	----------------------

“Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Урганч туман электр таъминоти корхонасида

ишончинома асосида фаолият юритувчи раҳбари О.Махмудов (кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда иккинчи томондан Улгуржи истеъмолчи (кейинги ўринларда Истеъмолчи деб аталади) Урганч туман ҳалқ таълими бўлии мудири О.Абдурахимов билан Шартномани кўйидагилар ҳакида туздилар:

### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1. Унбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) мувоғик, Таъминотчи корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### **II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Электр энергияси истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив энергияси 3 111 кВт/соат;  
реактив энергияси - кВар/соат.

2.2. Етказиб бериладиган электр энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 1 399 950.00 (Бир миллион уч юз туксон туккиз минг туккиз юз эллик) сўмни, тариф бўйича 450 сўмни ташкил этади. Тариф турлари

*табакалаштирилган, бир ставкали, ахоли нархи ва бошқалар (тегишилиси ёзилади)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага I-иловада келтирилган.

Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал ҳажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича Истеъмолчи билан белгиланган ва олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлаши шарт (7-илова).

2.4. Истеъмолчи томонидан истеъмол килинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчининг электр энергиясини хисобга олиш электрон приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва

пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш асбоблари  
·Таъминотчи корхона маблағлари хисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш Истемолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи коммутация, хисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) хисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни алмаштириш, таъмираш, давлат киёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш истемолчи томонидан улар киймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда, Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

## II. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табакалаштирилган, ўсиб борувчи, камаючи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган Истемолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истемолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истемол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тифиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эргалабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатлари: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истемолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истемолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергияни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда тегишли равишда истемол килинган (хосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар/соат учун тўлов тарзида ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий микдори реактив энергиянинг иктисодий кийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Уланган қувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истемолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувоффик тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб Истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Таъминотчи корхона Истеъмолчи (ёки унинг вакили) билан биргаликда иsteъmol қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниглаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши ваколатига эга.

Таъминотчи корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг (мавжуд вазиятдан келиб чиккан ҳолда) ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида Таъминотчи корхонага белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот ҳам иsteъmol қилинган амалдаги ҳажмини аниглаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Иsteъmolчилар бўйича электр энергияси сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергияси (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергияси ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ЭХНАТ деб аталади) жорий этилган иsteъmolчиларда ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирок бир ойда камидан бир марта ёки иsteъmolчининг буюртмаси бўйича ёзб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоклари корхонаси уларнинг кучга киришидан камидан 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучидан колади ва иsteъmolчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, иsteъmolчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Таъминотчи корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Иsteъmolчига электр энергияси етказиб бериш 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

ЭХНАТга уланган ёки олдиндан ҳақ тўлаш курилмаси ва ҳисобга олиш приборига эга бўлган Иsteъmolчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов доирасида амалга оширилади.

Бунда, ҳисоб-китобни 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириши билдирган иsteъmolчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат килгандарни тақдирда электр энергияси иsteъmolчиларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган

истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур Истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Таъминотчи корхона Истеъмолчининг энергия сарфи тўгрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичida тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилиган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

Таъминотчи корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда Истеъмолчи тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилиган ҳолда электрон рақами имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. Агар маҳсус дастурий маҳсулот орқали етказиш имконият мавжуд бўлмаса хисоб-фактура ва тўлов хисоб-вараги ёзма шаклда бералади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сони “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварақ-фактуралардан фойдаланишини таомиллаштириши чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргалиқда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармогининг баланс бўйича мансублигига караб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг хисобига ўтказилади. Хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, яrim тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади (6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича Истеъмолчининг электр тармоги орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, Истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, Истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўгрисидаги хисбот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган такдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий микдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги микдори тўгрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибida Таъминотчи корхона томонидан ёзib олингандан кейин амалда истеъмол килинган электр энергияси учун кайта хисоб-китоб килинади. Қайта хисоб-китоб Истеъмолчи ёки

унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истъемолчининг хисобга олиш приборларидағи кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувоғиқ, бироқ бир ойда камидаги бир марта ёки Истъемолчининг буюртмаси бўйича ёзб олинади.

Таъминотчи корхона Истъемолчининг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати хакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралардо электрон хамкорлик қилиш тизимида реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фойиздан ортиқ микдорда энергия истъемол килганда, Истъемолчидан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истъемол килинган электр энергияси жами хажми учун белгиланган тарифининг 1,15 барабарни микдорида тўлов ундирилади.

Истъемолчининг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пена бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари карзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истъемолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истъемол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун Истъемолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойиз микдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фойиз микдорида пена хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойиздан ошмаслиги лозим.

3.13. Истъемолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг тақкослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истъемолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг конуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиб ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки Вазирлар Мажкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиши Коидалар (кейинги ўринларда Коидалар деб аталади)ини бузишнинг бошқа холатлари аниqlанганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва кувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл кўйиаслик ва истъемолчиларнинг тартибсиз узб кўйилишининг олдини олиш максадида худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган холда, истъемолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва ишоотларни ёриттичларини, электр иситиш ва исик сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб кўйишни талаби бажарилмаганда;

Суд органларининг конуний кучга кирган карорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тадбиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг конуний кучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармокдан ажратиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Коидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичida тўланиши ҳакида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармокдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Бунда, ЭҲНАТГа уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқиши курилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармокларига қайта уланиши учун ҳак ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармокларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўтрасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равиша ҳак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Ҳусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан ахолига электр энергияси етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи идоравий ва муниципиал ўй-жой фонди, юридик шахслар ётоскхоналари, диний ташкилотлар ва оиласиб корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан ахоли эҳтиёжлари учун фойдаланадиган локал козонхоналарга майний истеъмолчиларга белгиланган тариф кўлланилади.

3.19. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутгасига (бўлмасига) ташкаридан таъсир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташкари электр кабул қилгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўғирланган ҳолларда, Таъминотчи корхонанинг ваколатли вакили белгиланган шакл бўйича қоидани бузиш далолатномасини тузади. Ушбу далолатнома асосида Таъминотчи корхона Истеъмолчини электр тармогидан узиб қўяди.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси микдорининг қиймати Таъминотчи корхона томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган Истеъмолчининг иш соатлари сони ҳисобга олинган ҳолда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати бўйича қуидаги ҳолатларда амалга оширилади:

электр энергиясини ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторларини улаш схемалари ўзгартирилганда, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутгасига (бўлмасига) ташкаридан таъсир кўрсатилганда ва ҳисобга олишни назорат қилиш асбобларидан ташкари электр кабул қилгичлар кўз билан аниклаб бўлмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари,

переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни хисобга олишнинг назорат асбоблари охирги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

электр энергиясини хисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби холатлар) ёки электр энергияси айланиб чикишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошка усуlda ўғирланган тақдирда – охирги марта айланиб чикилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Хисобга олинмаган электр энергияси микдори қийматини хисоб-китоб килишда коида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар хисобга олинган холда, кайта хисоб-китоб амалга оширилаётган вактдаги тариф кўлланилади. Бунда I тариф гуруҳидаги Истеъмолчилар учун хисобга олинмаган электр энергияси микдорининг қиймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юкланиш соатларида амал қиласидаги тариф бўйича хисоб-китоб килинади.

Электр энергиясини хисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вактинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун хисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг қарори бўйича, хисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги хисоб-китоб давридаги ёки хисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергияянинг ўртacha суткалик сарфи бўйича хисоб-китоб килиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичидаги хисобга олиш тикланниши зарур.

Агар, электр энергияни хисобга олиш приборини обьектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (улчаш трансформаторининг, хисобга олиш приборининг йўклиги, ўтиб бўлмайдиган йуллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун хисоб-китоб қилиш тартиби ва хисобга олишни тиклаш муддати истеъмолчи ва худудий электр тармоклари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан йўл қўйилган коидабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истеъмолчи томонидан имзолангандаги иккни нусхадаги белгиланган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истеъмолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Коидаларни бузган Истеъмолчи электр қурилмалари тармокдан узуб қўйилади.

Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, коида бузиш далолатномасида истеъмолчини таништирганлик тўғрисида белги қўйилади.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1. Истеъмолчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Таъминотчи корхона электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб берининг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Таъминотчи корхонага истеъмол қиласидаги электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланадиган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак

электр энергияси тұлғық хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат күрсаткىчлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси- етказиб берилиши оқибатида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда коплаш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузища ва бажарища юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга.

#### 4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол килиш режимиға риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиши чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекцияси”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Таъминотчи корхона вакилига электр энергиясини хисобга олиш приборларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиши бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан хисобга олиш приборни ЭҲНАТда муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўскинилик қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий хукуқий хужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни хисобга олиши ва бу ҳакида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВА ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар юкорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қўйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришини ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгарилиши) ва янги техника жорий этилишига караб қайта кўриб чиқиши;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш хамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини тахлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва истроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармокларининг энергия ўтказиш кобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш максадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Таъминотчи корхона томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### 4.3. Таъминотчи корхона қуйидаги хукукларга эга:

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

авария режимида истеъмолчиларни электр тармокларидан узиш (ўчириш);

ЭҲНАТга уланган ва олдиндан тўланган маблаг тугагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш курилмасига эга хисобга олиш асбоб мавжуд бўлган истеъмолчиларни узиш. Бунда узилгандан сўнг истеъмолчининг кўриши мумкин бўлган зарари учун Таъминотчи корхона жавобгар бўлмайди.

Коидалар ва бошқа норматив-хукукий хужжатларда назарда тутилган ҳолатларда Истеъмолчиларни электр тармокларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

Таъминотчи корхона конунчиликда белгиланган бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.4. Таъминотчи корхона кўйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

